ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАХКАМАСИ ХУЗУРИДАГИ ОЛИЙ АТТЕСТАЦИЯ КОМИССИЯСИ РАЁСАТИНИНГ КАРОРИ

28 Илмий унвонлар бериш тўгрисидаги низомга ўзгартириш ва кушимчалар киритиш хакида

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2010 йил 23 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 262-2

(2010 йил 2 февралдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Вазирлар Махкамасининг 1992 йил 9 сентябрдаги 421-сон «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссияси фаолиятини ташкил этиш масалалари тўгрисида» ги қарорига (Ўзбекистон Республикаси Хукуматининг қарорлари тўплами, 1992 й., 9-сон, 28-модда) асосан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссияси Раёсати **қарор қилади:**

- 1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси Раёсатининг 1996 йил 25 январдаги 34/2-сон қарори билан тасдиқланган Илмий унвонлар бериш тўгрисидаги низомга (рўйхат раҳами 262, 1996 йил 10 июль) иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.
- 2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат руйхатидан утказилган кундан бошлаб ун кун утгандан кейин кучга киради.

Раис в.б. К. СУЛТОНОВ

Тошкент ш., 2009 йил 24 декабрь, 160/13-сон

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси Раёсатининг 2009 йил 24 декабрдаги 160/13-сон қарорига ИЛОВА

Илмий унвонлар бериш тўгрисидаги низомга киритилаётган ўзгартириш ва кушимчалар

- 1. 4-банднинг иккинчи хатбоши чиқариб ташлансин.
- 2. Қуйидаги мазмундаги 41-банд билан тулдирилсин:

«4¹. Профессор, доцент ва катта илмий ходим илмий унвонларига эга булганларга белгиланган намунадаги аттестат берилади. Ушбу аттестат илмий унвонлар бериш тургисидаги қарор қабул қилинган пайтдан бошлаб, бир ой муддат давомида ОАК Раёсати қарори асосида расмийлаштирилади».

3. 5-бандда:

иккинчи, тўртинчи, саккизинчи ва тўққизинчи хатбошилари «доцент» деган сўздан кейин «ёки катта илмий ходим» деган сўзлар билан тўлдирилсин:

учинчи хатбоши «илмий стажга ҳамда» деган сўзлардан кейин «доцент ёки» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

еттинчи хатбоши қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«олий ўқув юртининг ёки унга тенглаштирилган ўқув юртининг кафедра мудири ёки профессори лавозимига танлов бўйича сайланиб, тегишли олий маълумотга, доцент ёки катта илмий ходим илмий унвонига эга бўлган хамда якка муаллифликда олий ўқув юрти учун дарслик ёки ўкув-методик қўлланма яратган, нашр этилган ўқув-методик, илмий ва ижодий ишлари бўлган, маърузалар ва махсус туркум дарсларни юқори малакада олиб бораётган, камида беш йил педагоглик иш стажига эга ва шу лавозимларда тўлиқ ставкада икки ўкув йили давомида муваффакцятли ишлаган Ўзбекистон Республикаси, Қорақалпогистон Республикаси халқ артистлари, хофизлари, халқ рассомлари, халқ меъморлари, халқ ўкитувчилари, ёзувчилари, шоирлари, Ўзбекистон Республикаси фан арбоблари, Ўзбекистон Республикаси санъат арбоблари, хизмат кўрсатган артистлари, рассомлари, меъморлари, тренерлари ва маданият ходимларига берилиши мумкин».

4. 6-банд «юқори малакали мутахассис тайёрлаган» деган сўзлардан кейин «доцент ёки» деган сўзлар билан тўлдирилсин.